

XIX асрда Ўрта Осиё ва Эрон алоқаларида эроний қуллар масаласи

*ТошДШИ магистранти
Элдор Ахмедов*

Аннотация

Мазкур мақола XIX асрда Ўрта Осиё ва Эрон алоқаларида эроний қуллар масаласини ёритишга бағишланган. Қуйида кўриляётган даврда Ўрта Осиё хонликлари ва Эрон ўртасидаги сиёсий алоқалар мураккаб жараёни бошдан кечирган. Бу алоқаларда шартли равишда шаклланиш, мустаҳкамланиш ва зиддиятлар даври алоҳида кўзга ташланади.

XVIII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг бошларида Ўрта Осиё – Эрон алоқалари бир текисликда кечмаган. Бу даврда алоқалар ўзаро сулолавий курашлар ва ташқи ҳужумлар майдонига айланган эди.

Эроннинг Ўрта Осиё хонликлари билан бўладиган алоқаларида Исфохон, Кермон, Язд, Кошон, Шемаха, Решт шаҳарлари катта ўрин тутган. Эрон четга тери, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, гиламлар, идишлар, олтин ва кумуш буюмлар, қимматбаҳо тошлар, асосан феруза, Ўрмуз марвариди, матолардан: атласлар, бахмал, Гилон ва Кошоннинг доруғайи – олтин ва кумуш билан тикилган матоси, суф - жун мато, зарбофт – парча, кимхоб, кутня – ярим ипак мато, абйар – товланувчи ипак мато, ундан ташқари митқол (хом сурп) – тигиз пахта мато, қўй пўстинлари, қурол-аслаҳалардан: қиличлар, ўқ ва ёй, эгар-жабдук, бўёқ ва қуритилган мевалар, тамаки, вино, қуллар чиқарган.

Бу даврда Ўрта Осиёнинг қул бозорларида Эрон, Афғонистон, қозоқ, қалмоқ ва Россия ерларидан ўғирлаб олиб келинган қул ва чўриларни учратиш мумкин эди.

Эроннинг Шимолий вилоятларига Оломончилар томонидан уюштирилган чопқин (оломон)лар оқибатида қуллар ва чўрилар ўғирлаб

келинган. Ўрта Осиё бўйлаб саёхат қилган сайёҳлардан А.Борнс, Н.Муравьёв, В.В.Григорьев, Бланкеннагель, А.Вамбери ва бошқалар ўз асарларида Ўрта Осиё хонликларида кул бозорларини кул билан таъминлаб турувчи оломончилар тўдасини асосан туркман қабилаларидан йиғилган кишилар ташкил қилади деб фикр юритганлар. Албатта, одам ўғирлаб сотишда бутун туркман қабилалари ҳам қатнашмаган. Шунингдек бу ишда Эроннинг шимолий вилоятларига одам “овлаш” учун оломон бошлаб борувчи қабила бошлиқлари ва бу ишни ўзига “касб” қилиб олган гуруҳлар ҳам бўлганлигини такидлаб ўтиш лозим.

Туркман қабилалари Хива бозорларида форс қуллари савдоси билан шуғулланувчилар сифатида тилга олинган. Хивада бўлган Д.Гладишев ва И.Муравинларнинг эсдаликларида бозорларда форс қулларини сифати ва жинсига қараб турли баҳоларда нақд пулга сотган туркманлар қайд этилган¹.

Қулларнинг баҳоси ҳақида XIX аср маълумотлари орқали тасаввурга эга бўлиш мумкин. Гувоҳларнинг таъкидлашича, асосан, одамлар савдоси билан така-туркманлар шуғулланган ва одатда, жисмоний камчиликлари бўлмаган соғлом ва пишиқ эркак кул 100 тилла (кичик тилла) дан қиммат бўлмаган, ёш аёл ёки қиз эса, 300 тиллага баҳоланган².

Хивада кул савдосига гувоҳ бўлган Н.Муравьев “ўзларини бир амаллаб Астробод ва Хивадан сотиб олинадиган буғдой билан таъминлайдиган беғам ва дангаса туркманларнинг асосий хунари ўғирлик бўлиб, Астрободдан одамларни ўғирлаб келиб, Хивада катта пулга сотади” деб маълумот берган³.

Ўрта Осиё ва Эрон ўртасидаги алоқаларнинг ривожланиши ўз навбатида ўзаро маданият ва санъатнинг уйғунлашувига олиб келган. Ўрта Осиё ва Эрон санъати ғояларининг бир-бирига сингиб, ўзаро таъсирга эга бўлиш жараёни архитектура соҳасида яққолроқ акс этганлигини кўриш мумкин.

¹ Д.Гладышев, И.Муравин. Поездка из Орскa в Хиву... Б. 57

² Д.Гладышев, И.Муравин. Поездка из Орскa в Хиву... Б. 56

³ Н.Муравьев. “Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг”. М.: 1822. –Б. 84

Албатта, бу ўзаро таъсир халқларнинг борди-келдилари, хунарманд-меъморларнинг тажриба алмашинуви орқали, шунингдек, мажбуран олиб кетилган хунармандларнинг меҳнатидан фойдаланиш орқали амалга оширилган.

Жумладан, Хива шаҳридаги Шерғозихон мадрасаси Шерғозихоннинг Машҳадга қилган муваффақиятли юриши (1718 – 1719) шарафига қурилган бўлиб, маълумотларга кўра у, юришдан олиб келинган беш минг асир меҳнати билан барпо этилган. Қурилишнинг якунида қул қилинганларни озод этишни ваъда қилган хон сўзининг устидан чиқмаганлиги учун исён кўтарган қуллар томонидан тўла қуриб битказилмаган мадрасада ўлдирилган⁴.

Чегара ҳудудларидаги ўзаро хужумлар, уруш ҳаракатлари икки давлат фуқароларининг кўпчилигини асирга туширилиши ва уларнинг қул қилинишига сабаб бўлган. Қолаверса, бу даврда қул савдоси билан кун кечириб, катта даромад кўрадиган кишилар одам ўғирлашни ўзларига асосий касб қилиб олишган. Шунинг учун ҳам доимо катта даромад манбаи бўлиб келган ва бу даврда айниқса авж олган қул савдоси икки давлат фуқароларини озод қилиш масаласини ўртага қўйган. Демак, Хива – Эрон ўртасида асирларни озод қилиш масаласи юзасидан ҳам музокаралар олиб борилган. Чунки, асирга тушганларни озод қилиш катта миқдордаги тўлов орқали асирнинг оила аъзолари, қариндошлари томонидан амалга оширилган ёки асир қилиб олинган хоразмликлар ўрнига алмаштирилган. Албатта, бу келишув ўзига хос моҳирона сиёсатни талаб қилган. Бевосита асирларни озод қилиш ёки алмаштириш жараёни билан боғлиқ XVI – XVIII асрларга оид маълумотлар ҳозирча манбаларда учрамаган бўлсада, кейинги маълумотлар бу ҳолат ҳақида маълум даражада тасаввур беради. Хусусан, арман таржимони Турпаев (1834) Машҳад шаҳридан асирларни озод қилиш масаласи бўйича Хивага келган 10 нафар форс тўғрисида маълумот берган⁵.

⁴ Н.Аллаева. XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар Т.: 2007. Б. 128

⁵ Н.Аллаева. XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар Т.: 2007. Б. 96

Шунингдек, 1842 йилда Хива хони билан учрашган рус элчиси Г.И.Данилевскийнинг форс асирларини озод қилиш юзасидан олиб борган музокарасини мисол келтириш мумкин⁶.

XIX аср ўрталарида тузилган қулликдан озод қилиш тўғрисидаги ҳужжат бу жараённинг расмийлаштирилиши ҳақида бир қадар тушинча беради. Унда Якуб ибн Абдуллоҳ ўзининг шахсий мулки ҳисобланган асли хуросонлик бўлган 15 ёшли Ийд исмли қизни барча ҳақ-ҳуқуқлари билан озод қилаётганлиги ва бундан кейин унда ҳеч қандай ҳаққи қолмаганлиги эътироф этилган. Ҳужжат бир нечта гувоҳлар иштирокида қози томонидан тузилиб, муҳр босилган. Кўриниб турибдики, асир ва қулларни озодликка чиқариш ҳам ўзига хос келишув ва тартиб қонидани талаб этувчи жараён бўлган.

Хоразм аҳолиси таркибида вужудга келган эронийлар ҳақида Эрон тарихчиси Муҳаммад Козим (XVIII аср) маълумотларидан билиб олишимиз мумкин. У воқеаларнинг шахсан иштирокчиси сифатида Нодиршоҳ буйруғи билан ёвмут туркманларининг исёнини бостириш учун юборилган Эрон лашкарбошиси Али Қулихоннинг (1745) Хивада ўтказган тадбири ҳақида ҳикоя қилган. Тарихчининг маълум қилишича, Али Қулихон ўз вақтида Хива ҳукмдорлари томонидан асирга олиниб, Хоразмнинг беш шаҳрида яшаб келаётган барча Эрон ва хуросонликларни аниқлаш ва озод қилиш тўғрисида кўрсатма берган. Бу кўрсатма нафақат асирларнинг ўзларига ва уларнинг ўзаро никоҳлари, балки маҳаллий аҳоли билан бўлган никоҳидан туғилган фарзандларига ҳам тегишли эди. Муҳаммад Козимнинг фаол ҳаракати билан 40 кун ичида амалга оширилган ушбу тадбир натижасида Хива хони Шерғозихон ва бошқа хонлар даврида олиб келинган 5-6 мингга яқин оила аниқланган. Шунда улар орасидан маҳаллий аҳоли билан бўлган никоҳдан туғилган кишиларни ажратиб олишга қарор қилинган. Натижада отаси ўзбек бўлган ўз уй-жойларига эга 2000 дан ортиқ кишилар аниқланиб, илтимосга кўра уларга Хоразмда яшаб қолишга рухсат берилган. Қолган асирларнинг

⁶ И.П.Петрушевский. Иран в XVII веке... Б. 279

бир қисми Нодиршоҳ даврида асос солинган Марв яқинидаги Хивақобод шахрига, бир қисми эса Мирўчоқга жойлаштирилган⁷.

Ўрта Осиёдаги эронликлар ҳақида маълумот берган А.М.Матвеев XIX аср ўрталарида Бухоро ва Хива хонлиги ҳудудида таркиб топган эронлик аҳоли қатлами орасида Марв шахридан мажбуран кўчириб келтирилган форсларнинг авлодлари, турли сабабларга кўра бу ерларда қолиб кетган Нодиршоҳ аскарларининг авлодлари, Эрондаги Хожар сулоласи шоҳларининг қочоқ аскар ва зобитлари, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланиш учун Бухорога келиб жойлашган шимоли-шарқий Эроннинг имигрантлари ва уларнинг авлодлари, шунингдек, туркман бошлиқларининг Эрон билан чегарадош ҳудудларга уюштирган ҳужумлари («оломон») натижасида қўлга олинган қулларнинг авлодлари бўлганлигини қайд этади⁸. Ушбу муаллиф мунтазам равишда сарой ва қўшиндаги хизмат учун катта миқдордаги форс қулларни сотиб олган Бухоро ҳукмдорлари шу йўл билан уларнинг айримлари учун хизмат пағоналаридан кўтарилиш имконини яратганликларини таъкидлаб, XIX асрда Бухородаги бош вазир («қушбеги») лавозимини эронлик қуллардан чиққан амалдорлар эгалланганлигини мисол қилиб кўрсатади⁹.

Рус муаллифи А.Хорошхиннинг маълумот беришича, эронийлар қадимдан ўрта осиёликларнинг шогирдпеша (хизматчилар) деб аталган қатламини ташкил этган бўлиб, озод қилинган қуллар улар билан бирга хонлик ҳаётининг турли соҳаларида ўз ўрнини топиш имкониятига эга бўлган¹⁰.

Ушбу муаллиф таъкидлаганидек, кўпгина сарой хизматчилари ўз фаолиятини маҳрам ёки дарбон каби лавозимлардан бошлаб, шахсий қобилиятлари ва қулай вазият ёрдамида анча юқори поғоналарга эришган. Ҳатто, улар ўз ҳукмдорларининг хазиначилари, фарзандларининг

⁷ Н.Аллаева. XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар Т.: 2007. Б. 134-135

⁸ А.М.Матвеев. Из истории выходцев из Ирана в Средней Азии... Б. 195-214

⁹ Н.Аллаева. XVI-XVIII асрларда Хива хонлиги ва Эрон ўртасидаги ўзаро алоқалар Т.: 2007. Б. 136

¹⁰ А.Хорошхин. Народы Средней Азии... Б. 321-322

тарбиячилари, удайчи, бек, харбий лашкарбоши, ҳатто айрим ҳолларда кушбеги этиб тайинланган.

Хоразмда бўлган Н.Муравьев Хива хони бош амалдорларидан учинчиси Ҳожаш Маҳрам ҳақида маълумот берар экан, унинг отаси хоннинг форс қулларидан бўлганлигини, Ҳожаш Маҳрам хон қўшинида хизмат қилиб, Бухорога қарши курашда кўрсатган алоҳида жасорати эвазига озодликни қўлга киритганлигини ҳамда хон хизматида отчопар этиб тайинланган отасини ҳам тўлов эвазига қулликдан озод қилганлигини таъкидлаган. Шунингдек, Н.Муравьев хоннинг марҳамати билан катта ер-сувга эга бўлган Ҳожаш Маҳрам тез орада божхона бошлиғи бўлиб олиб, катта давлат эгасига айланган ва ўз атрофига Қизил Жилов (*Олтин жилов – озод қилинган қуллар*), деб аталган қариндош-уруғи ва яқинларини тўплаганлигини келтириб ўтган¹¹.

Шу тариқа Хива хонлиги аҳолиси таркибида илгаридан келиб қолган эронийларнинг авлодларидан иборат “қул” деб, аталган гуруҳ таркиб топган. А.Вамбери маълумотларига кўра (XIX асрнинг 60-йилларида), Хива хонлиги аҳолисининг 40 минги форслардан иборат бўлган. XIX асрнинг охирида эса улар 5,3 мингдан ортиқ бўлиб, аҳолининг 0,7 % ни ташкил этишган.

Юқорида кўриб ўтилган маълумотлар асосида хулоса қилиб шуни қайд этиш мумкинки, кўрилаётган даврда Ўрта Осиё хонликлари ва Эрон ўртасидаги сиёсий алоқалар мураккаб жараёни бошдан кечирган. Бу алоқаларда шартли равишда шаклланиш, мустаҳкамланиш ва зиддиятлар даври алоҳида кўзга ташланади.

¹¹ Н.Муравьев. Путешествие в Туркмению и Хиву в 1819-1820 гг. М.: 1822. –Б. 61